**Ушбу сонда:**

2 *Васийлик ва ҳомийлик* ДАЪВО АРИЗАСИ КИРИТИЛДИ

3 *«Ишонч» фош этади* ҚОНУНБУЗАРЛАР ЖАРИМА ТЎЛАШДИ

4 ЮРТИМИЗ ШИФО МАСКАНЛАРИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
UZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 11 декабр, чоршанба №194 (1411)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ИСЛОМ КАРИМОВ - СОКА УНИВЕРСИТЕТИ ФАХРИЙ ДОКТОРИ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 декабр куни Япониянинг Сока университети ректори Масами Вакаэни қабул қилди

Ўзбекистон ўзининг ривожланиш йўлидаги стратегик режаларини ҳаётга жорий қилишда Япония билан молиявий-иқтисодий ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ўз навбатида, Япония ҳам Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасида муҳим ўрин тутадиган мамлакат деб ҳисоблайди. Шу боис Кунчиқар мамлакати Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришни ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан, деб қарайди.



Президент Ислом Каримовнинг шу йил июл ойида Японияга расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик тобора юксалиб, стратегик шериклик даражасига чиққанини намойиш этди. Ушбу ташриф давомида мамлакатларимиз ўртасида ижтимоий, маданият ва таълим соҳасидаги ҳамкорликка оид ҳужжат ҳам имзоланган эди. Айтиш лозимки, мазкур ҳамкорликнинг самараси ҳозирданоқ кўзга ташланмоқда. Сока университети раҳбариятининг юртимизга ташрифи бунинг яна бир исботидир.

Сока университетига 1971 йили Япониядаги йирик «Сока Гаккай» буддавийлар ташкилоти фахрий президенти Дайсаку Икеда томонидан асос солинган.

Мазкур университет олимлари Осиё бўйича тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратиб келади. Тадқиқотлар натижалари университетнинг Осиёни ўрганишга бағишланган махсус журналида мунтазам чоп этиб борилади.

Университет Ўзбекистондаги илм даргоҳлари билан ҳам анчадан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. 1989 йили Сока университети билан Ўзбекистон Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ўртасида илмий ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзоланди. Бунинг натижаси уларoқ, Далварзинтепада қазишма ишларини ўтказиш учун профессор К.Като раҳбарлигида ташкил этилган Марказий Осиёда илк Ўзбекистон-Япония археология экспедицияси самарали иш олиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги бундай кенг қамровли ҳамкорликда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг буюк хизматлари бор.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга дунёдаги барча мамлакатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда маданият ва таълимни ривожлантириш борасидаги буюк хизматлари учун Сока университети «Фахрий доктори» унвонининг дипломи топширилди.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида Япониянинг мазкур университети билан мамлакатимиз олий ўқув юртлари ва илмий муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

**(ЎзА).**

Гулистондаги "Лечива фармсаноат" Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонасида айни вақтда таблетка ва инъекция ҳолидаги олти хил маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти.

## СИФАТЛИ, ХАРИДОРГИР

Жорий йилнинг ўтган ўн бир ойи давомида корхонада 580 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ички бозордаги истеъмолчиларга етказиб берилди. Шунингдек, 10 минг АҚШ доллари миқдоридаги дори-дармонлар экспорт қилинди.

Корхонада келгуси йилдан бошлаб экспортга чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш мақсадида иш олиб борилаяпти. Ишлаб чиқарилаётган дори-дармонлар тури ва миқдорини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

**"Туркистон-пресс".**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

**Муҳтарам Президент Ислом Каримов жаноби олийлари!**

*Буюк Ўзбекистон заминининг гуллаб-яшнаши йўлидаги Сизнинг доно йўлбошчилигингиз ва фидойи фаолиятингиз олдида чуқур эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.*

*Шу билан бирга, бутун халқингиз Сизнинг инсонпарвар сиёсатингиз туфайли қўлга киритилаётган бемисл ютуқлардан мамнунлик ва келажакка юксак ишонч билан кутиб олган мамлакатингиз мустақиллигининг 11 йиллиги муносабати билан самимий табрикларимни йўллайман.*

*Бутун дунё Ўзбекистоннинг таълим, маданият, иқтисод, саноат ва бошқа барча соҳалардаги жадал ва муваффақиятли тараққиётига қойил қолмоқда ҳамда Сизнинг порлоқ истиқболга қаратилган ташаббусингизга улкан эҳтиром билдирмоқда.*

*Шахсан мен учун ва менинг раҳбарлигимда ташкил этилган Сока Университетининг бутун жамоаси учун Сиз олий ўқув юртимизнинг Фахрий доктори бўлишга розилик билдирганингизнинг ўзи юксак шараф ва улкан қувончдир.*

*Сизни ишонтириб айтаманки, Сока Университети ректори Масами Вакаэ Ўзбекистонда Сизга университетимизнинг Фахрий доктори дипломини топшириш маросимини халқаро этикетнинг барча қоидалари бўйича юксак масъулият билан ўтказади.*

*Сока Университети профессор ва талабалари номидан Сизга самимий қутловларимизни йўллашга ва яқин келажакда Сизни рафиқангиз билан олий ўқув юртимизда кутиб олиш умидини изҳор этишга ижозат бергайсиз.*

*Мамнуният билан Сизга шуни ҳам маълум қиламанки, Ўзбекистон Бадиий академиясининг катта ёрдами туфайли Тошкентда менинг шахсий фотокўргазмам очилмоқда. Камтарона асарларим Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қила олса, ўзимни бениҳоя бахтли ҳисоблар эдим.*

*Биз, Сока Гаккай жамияти ва Сока университетининг барча аъзолари Сизнинг мамлакатингиз билан маданият, таълим ва тинчликни ҳимоя қилиш соҳаларида ҳамкорлик қилиш ва дўстона муносабатлар ривожи йўлида бутун куч ва ғайратимизни сарф этишга тайёрмиз.*

*Мактубим охирида чин қалбимдан Сизга - Ўзбекистон халқининг буюк йўлбошчисига ҳамда оилангизнинг барча аъзоларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва мамлакатингизга фаровонлик тилаб қоламан.*

*Самимий эҳтиром ила,*

**Дайсаку ИКЕДА,**
**Сока Гаккай Интернэшнл Президенти**

*Бор бўлсин меҳру оқибат!*

Йилдан йилнинг фарқи бор. 2002 йилнинг декабр ойи шукуҳли келди. Муқаддас байрамларимиз – Ўзбекистон Конституциясининг 10 йиллиги ва муборак ҳайит айёмлари бир-бирига уланиб, катта тантаналарга айланиб кетди.

Бош Қомусимизнинг 10 йиллигига бағишлаб «Туркистон» саройида ўтказилган тантанали йиғилиш ва унда Президентимиз сўзлаган тарихий нутқ, Россия пойтахтида буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ҳайкалининг ўрнатилиши тарих зарварақларида қолади.

## ЭНГ КАТТА САВОБ

Шуни ғурур билан қайд этиш лозимки, азалий қадриятлардан келиб чиқиб, Юртбошимиз 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилдилар.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак. Бу саховатпеша ватандошларимиз ҳаёт тарзининг мезонига айланмоқда.

Мустақиллик, жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар шарофати ила одамларимиз ўртасида меҳр-оқибат, меҳр-шафқат туйғулари тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги халқимизни беҳад мамнун этмоқда. Бундай савобли ишларда республика касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, корхона, ташкилот ва хўжалик органлари билан ҳамкорликда тилга олинган байрамларимиз арафасида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган, ёлғиз оилалар, қаровчиси бўлмаган инсонлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиб, хайру эҳсон. меҳр-мурувват ҳамда моддий ёрдам кўрсатиш тадбирлари ташкил этилди. Чунончи, касаба уюшмалари ҳамда хўжаликлар маблағлари ҳисобидан меҳрибонлик, саховат уйлари, мактаб-интернатлар, болалар шифохоналари, кам даромадли хонадонлар фарзандларига 51 миллион сўмлик кийим-кечак, қарийб 90 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 23 миллион сўмдан ортиқ дори-дармон, 42,7 миллион сўмлик маданий-маиший буюмлар, тиббий асбоб-ускуналар, спорт жиҳозлари ҳамда ўқув қуроллари совға қилинди. Шунингдек, корхона ва ташкилотларда ишчи ва ходимларга моддий ёрдам кўрсатилди. Ушбу мақсадларга энг оммавий жамоат ташкилотлари томонидан сарфланган сармоялар миқдори 36 миллион 300 минг сўмни ташкил этди. Бундай тадбирлар республикамизнинг барча вилоятларида кўнгилдагидек уюштирилди.

Биргина Андижон вилоятини олиб кўрайлик. Бу ерда юқоридаги мақсадлар учун жами 10.866.914 сўм сарфланди. Булардан ташқари, кар-соқовлар, кўзи ожизлар, Чернобил жабрдийдалари, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларининг вилоят бўлимлари ҳисоб рақамларига имконият даражасида пул маблағлари ўтказиб берилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг тармоқ Марказий Қўмиталари ҳам ўзларига тегишли жабҳаларда хайрия тадбирларини юқори савияда ташкил этиш учун бор имкониятни ишга солдилар. Жумладан, Қурилиш ва қурилиш ашёлари, Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё, Металлургия ва машинасозлик саноати, Соғлиқни сақлаш, Таълим ва фан ҳамда Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмиталарининг амалга оширган ишлари таҳсинга сазовор. Масалан, Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Тошкент туманида жойлашган 30-мактабнинг кам таъминланган ўқувчиларига 154 минг сўмлик уст-бош, 66614 сўмлик ўқув дарсликлари ҳадя этди. Бундан ташқари, Марказий Қўмита ўз маблағидан тармоқ корхоналарида ишлаётган 69 та кам таъминланган оилалар фарзандларига 483 минг сўмлик спорт костюмларини топширди.

– Инсонларга яхшилик қилиш, мурувват кўрсатишдан ҳам улуғроқ амал бўлмаса керак, – деди Ўзбекистон Қаҳрамони, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси Наманган вилоят бўлимининг раҳбари Дилбархон Акрамова, – Бу борадаги савоб ишларни бундан буён ҳам касаба уюшмалари билан ҳамкорликда изчил амалга ошириш ниятидамиз.

Президентимизнинг қуйидаги сўзлари саховатпеша ҳамюртларимиз қалбини жунбушга келтирди: ***«...Шу эзгу ишларга ҳисса қўшган саховатли инсонларга, турли хайрия ташкилотлари вакилларига ўз миннатдорчилигимизни изҳор этиб, илоҳим, қилган хайрли ишларингизнинг савобини ўзингиз ҳам кўринг, бошингиз омон бўлсин, ҳеч қачон кам бўлманг, деб тилак билдирсак, адолатли бўлади, деб ўйлайман».***

**Асқарали СУЛТОНОВ,**
**ЎзКУФКнинг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири.**
**Раҳимберди УМАРОВ,**
**«Ишонч» махсус мухбири.**

*Долзарб мавзу*

***Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига мувофиқ шу йил 15 ноябрдан мамлакатимизда ёнғин хавфсизлиги ойлиги бошланди. 15 декабргача давом этадиган мазкур тадбир доирасида шаҳарлар, туманлар ва бошқа аҳоли пунктларида ҳамда халқ хўжалиги объектларида ёнғин хавфсизлиги чораларини кучайтириш борасида кўплаб тадбирлар амалга оширилади. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Эркин ЖУМАНОВ ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.***

## ЎТ БИЛАН ЎЙНАШМАНГ!

— Фармойишда идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар объектларини ҳамда уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, республикамизнинг тоифаланган ва ўта муҳим объектларида ёнғин хавфсизлигини пухта таъминлаш борасида долзарб вазифалар белгилаб берилган.

Қолаверса, мазкур ҳужжатда вазирликлар, идоралар, уюшмалар ва бошқа ташкилотлар ўзларига қарашли объектлар ва уй-жой фондининг техник ҳолатини ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан яна бир бор кўриб чиқиши, газ, энергетика ва сув хўжалиги, иситиш асбобларининг ҳолати ва созлигига алоҳида эътибор бериши, бу борада аниқ мақсадга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиши кўзда тутилган.

Тошкентда шу мақсадда шаҳар ҳокимлиги ҳузурида ёнғин хавфсизлиги ойлигини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича комиссия тузилди.

Ёнғин хавфсизлиги ойлигининг яна бир муҳим мақсади аҳолига, айниқса, қишда электр, иситиш жиҳозларидан эҳтиёт бўлиб фойдаланишни янада кенгроқ тушунтиришдан иборат. Зеро, ўзбошимчалик билан қўлбола ва носоз электр асбобларини ишлатиш хунук оқибатларга олиб келиши мумкин,

Янги йил байрами кунларида давлат сертификатидан ўтмаган, ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган портловчи ўйинчоқлардан фойдаланиш оқибатида ҳам кўнгилсиз ҳодисалар юз бериши эҳтимоли кучли. Ҳолбуки, 1997 йилдаёқ Тошкент шаҳар ҳокимининг фармойиши билан ушбу пиротехник воситаларни олиб келиш ва сотиш тақиқланганига қарамай, айрим тадбиркорларимиз ҳамон бу ишдан тийилмаётир. Уларни харид қилаётган ота-оналар эса шуни эсдан чиқармасликлари лозимки, бундай «ўйинчоқлар» байрам тантаналари янада завқли ўтишига эмас, аксинча фарзандларининг соғлигига жиддий зиён етказишга «хизмат» қилади.

Тажрибамизда бунга кўп бор гувоҳ бўлдик. Тўғри, тадбир давомида халқ таълими бошқармаси раҳбарлари билан ҳамкорликда турли семинарлар, учрашувлар ташкил этилади. Бироқ ҳар бир ота-она ўз фарзандини тартибга чақириши, кишиларнинг асабига тегувчи пиротехник воситалар билан ўйнамасликларини уқтириб туришлари шарт.

Ҳар қандай иш таҳлил ва хулосадан бошланса, унинг самарадорлиги ошади. Шу боис бу йилги ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтган йилги тадбирлар, қўлга киритилган ютуқ ва йўл қўйилган камчиликлар таҳлилидан бошладик. Бошқармамиз ходимларининг бу йўналишдаги тажрибаси йилдан-йилга бойиб, касб-билим маҳорати ортмоқда. Ёнғин чиқиши ҳодисаларининг камайиб бораётгани шундан далолат беради.

Бунга ёнғин хавфсизлиги ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида эришилмоқда. Улар жорий йилнинг ўтган ўн ойи давомида 7 минг 140 корхона, ташкилот ва муассасада текширув ўтказди. Ёнғинга қарши қоидаларни қўпол равишда бузган шахсларга қарийб 24 миллион сўм миқдорида жарима солинди.

Шунга қарамай, айрим корхоналар раҳбарлари томонидан ёнғинга қарши эҳтиёткорлик чора-тадбирлари бажарилмай қолаётир. Биргина сентябр-октябр ойлари мобайнида ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бўлинмалари шаҳримиз кўча, майдон ва мавзеларида тўпланиб қолган хазон ҳамда маиший чиқиндилар гулханларини ўчириш учун 75 маротаба жалб қилинди. Биргина Шайхонтоҳур туманида бундай ҳолат октябр ойининг ўзида 16 маротаба юз бергани афсусланарлидир.

Ёнғин хавфсизлиги ходимларини ташвишлантираётган ушбу маълумотларни бежиз келтираётганим йўқ. Зеро, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, куз фаслида содир бўлаётган ёнғин ҳодисалари асосан хазон ва чиқиндиларни ёқиш оқибатида рўй бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида пойтахтимизда бир минг 590 марта ёнғин чиққан бўлса, шунинг ҳар учдан биридан зиёдроғи хазон ва чиқиндиларни ёқиш билан боғлиқ. Қолаверса, хазон ва чиқиндиларни аҳоли истиқомат қилаётган мавзеларда очиқдан-очиқ ёқиш билан экологияни бузиб, ҳамюртларимиз соғлигига жиддий зарар етказаётганимизни унутмаслигимиз зарур.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, ёнғин ҳодисаларининг қарийб эллик-олтмиш фоизи фуқаролар уй-жойларида юз бермоқда. Жорий йилнинг шу давригача фуқаролар уй-жойларида 689 бор ёнғин содир бўлди. Ёш болаларнинг ўйинқароқлиги оқибатида 235, электр, уй-рўзғор жиҳозларининг носозлиги натижасида 415 марта ёнғин чиқди. Ачинарлиси - бундай нохуш ҳодисалар оқибатида 34 фуқаро тан жароҳати олиб, 21 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Бу барча учун аччиқ сабоқ бўлиши керак.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўнинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

***Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 12 декабр куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.***

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 11 декабр куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва 12 декабр куни соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

**Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига**

Олий Мажлисда 11 декабр куни соат 13.00 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки, соат 15.00 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

## ҲАРБИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

***Мамлакатимиз аҳли ҳуқуқий демократик давлат қуриш асоси, халқ манфаатларини ўзида акс эттирган Асосий Қонун - Ўзбекистон Рсспубликаси Конституциясининг 10 йиллигини тантанали равишда нишонлади.***

Конституциямизда халқимизнинг тинч ҳаётини, суверенитетини, миллий хавфсизлигини таъминлаш, давлат мудофаа қудрати ва Қуролли Кучларини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам алоҳида ўрин берилган.

Бу масалалар Президентимиз Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида кенг баён этилган.

Президентимиз таъкидлаганидек, тамоман янги, профессионал асосдаги армияни шакллантириш бўйича ислоҳотларни амалга ошириш вазифаси бир неча йилдан буён бизнинг диққат марказимизда турибди. Ислоҳотнинг асосий мақсади - ҳақиқий профессионал Қуролли Кучларни тузиш, ҳарбий хизмат ёшидаги ҳар бир йигит, ҳар бир фуқаро учун Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш ўз Конституциявий бурчини адо этишдангина иборат бўлмасдан, балки нуфузли ва шарафли бир ишга айланиши зарур.

Таъкидлаш керакки, Мудофаа вазирлиги ва Чегара қўшинлари бўлинмаларини, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг махсус қисмларини, шунингдек, бошқа идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ўз ичига олган Қуролли Кучларимизни модернизация қилиш бўйича сўнгги йиллар мобайнида кўлами ва аҳамияти нуқтаи назаридан улкан ишлар амалга оширилди.

Ҳарбий бошқарув тизимини, ташкилий штат таркибини такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилинди, миллий офицер кадрларни тайёрлаш борасида катта ишлар қилинмоқда, ҳарбий хизматчиларни тайёрлашнинг бутунлай янги шакллари - сержантлар мактаби, тайёрлов марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Қисмларнинг жанговар тайёргарлигини юксалтиришда жанговор ҳаракатларнинг янги услублари қўлланилмоқда, ҳарбий алоқаларни кенгайтириш йўлида ривожланган мамлакатлар Қуролли Кучларининг илғор тажрибаларидан фойдаланилмоқда.

Қуролли Кучларни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, жойлаштириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди ва амалга оширилмоқда.

Маълумки, эртага иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўнинчи сессияси ўз ишини бошлайди. Унда депутатлар бошқа муҳим масалалар билан бирга «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири) лойиҳаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг резервидаги хизмат тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини муҳокама қилади.

Олий Мажлиснинг бўлажак сессияси олдидан ЎзА мухбири Мудофаа вазирлигининг бир гуруҳ офицерлари, шунингдек, ота-оналар, чақирилувчи ёшлар билан суҳбатда бўлди.

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чақирув ва резервистлар тайёрлов бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи полковник Б.Мирзамуҳамедов:**

- Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида мамлакатимиз Президенти - Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов томонидан фуқароларни муддатли ҳарбий хизмат ва муқобил хизматга чақирув ишлари борасидаги бугунги ҳолат жуда ўринли танқид қилинди. Президентимиз таъкидлаганидек, соғлиғи ва бошқа жиҳатларига кўра муддатли ҳарбий хизматга яроқли фуқаролар сони хизматга сафарбар этилиши лозим бўлган йигитлар сонидан анча кўп. Табиийки, бу ҳол субъективизм учун қулай имконият туғдиради.

**(Давоми 2-бетда).**

# ҲАРБИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

(Боши 1-бетда).

Сессияда Президентимиз айтиб ўтганидек, ушбу ҳолатларни бартараф этиш учун 1992 йили қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ҳамда «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонунларни қайтадан кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиладиган бўлса, ёш йигитнинг батафсил билим олиши, энг замонавий қуролларни ишлатиш ва жанговар ҳаракатлар олиб бориш кўникмаларига эга бўлиши учун ўн икки ой кифоя. Шу билан бирга ёш йигит ўз ҳаёт йўлини белгилаб олиши учун, келажакда қай бир касбни танлаши учун ҳам ушбу муддат етарли бўлади. Муддатли ҳарбий хизматнинг ўн икки ой белгиланиши ҳаёт мактаби деб аталмиш ҳарбий тайёргарликдан ўтган резервистлар сафини кенгайтиради, кўп сонли ёш йигитларда қатъиятлиликни шакллантиради, уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлади. Номи зикр этилган қонунларнинг ўзгартирилиши халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Буни Мудофаа вазирлигимизга бўлғуси Ватан ҳимоячилари ва уларнинг ота-оналаридан келаётган мактублар, чақирилувчилар ўртасида ўтказилган социологик сўровларда мазкур қонунларга ўзгартиришлар киритиш борасидаги таклиф маъқулланаётгани ҳам тасдиқлаб турибди. Яқинда тугалланган кузги чақирув натижалари ҳам буни яққол исботлади. Чақирув мавсуми мобайнида барча мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларига чақирилувчилар ўз қалб амри билан ҳозир бўлди. Чақирилувчиларнинг аксариятини олий ва ўрта махсус билимга эга йигитлар ташкил этганлиги янада қувонарли ҳолдир.

**Марказий ҳарбий округ қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Ф.Абдуллаев:**

- Бизнинг ҳарбий округимиз шахсий таркиби ҳам Олий Мажлис тўққизинчи сессияси материаллари, айниқса, Президентимиз маърузасини диққат билан ўрганиб чиқди. Ҳарбий хизмат муддатининг ўн саккиз ойдан ўн икки ойга қисқартирилиши, ҳарбий хизмат ва мудофаа салоҳиятимизни юксалтиришга йўналтирилган барча таклифларни қўллаб-қувватлаймиз. Президентимизнинг «Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, яхши тайёрланган ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сон жиҳатдан ихчам ва ҳаракатчан Қуролли Кучларни вужудга келтириш - Ўзбекистонимизнинг келажагини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифаларимиздан биридир», деган сўзларини ҳар бир офицеру аскар ўз олдида турган буюк вазифа дея қабул қилди. Биз мустақил давлатимиз тинчлиги, фаровонлиги йўлида бор куч-ғайратимиз ва билимимизни асло аямаймиз.

**76 ёшли фарғоналик отахон М.Тошпўлатов:**

- Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасини телевизор орқали диққат билан эшитдим. Маърузадаги ҳар бир сўз менда жуда чуқур таассурот қолдирди. Мустақил давлат эканмиз, ўзимиз ўзимизни қўриқлашимиз лозим, бизга кўз олайтирадиган ҳар бир ғанимга муносиб зарба бера олиш бизнинг вазифамиз ва бурчимиздир. Шундай экан, армиямизни кучайтириш, қудратини оширишга катта эътибор қаратишимиз керак. Президентимиз ўз маърузасида шу масалага - профессионал армияга ўтишга катта эътибор қаратди. Бу - халқимизга қувонч ва ишонч бағишлайди. Фарзандларимизнинг армияда ўн икки ой хизмат қилиб, запасдагилар сонининг кўпайиши ҳам жуда муҳим деб биламан. Шу нуқтаи назардан Президентимиз ва ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан ҳарбий соҳа бўйича ўтказилаётган барча ислоҳотларни қўллаб-қувватлаймиз.

**Олмалиқ шаҳрида яшовчи уй бекаси Р.Ҳафизова:**

- Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида муҳим қонунлар қабул қилинади. Ҳарбий соҳада янги таҳрирда қабул қилинадигаи қонунга мувофиқ фарзандларимиз келгуси йил баҳоридан бошлаб энди армияда бир ярим йил эмас, бир йил хизмат қилади. Бундан биз, ота-оналар жуда мамнунмиз. Негаки, ҳар ҳолда болаларимиз бағримизга олти ой олдин қайтиб келади. Бир сўз билан айтганда, Президентимиз ташаббуси билан ҳарбий йўналишдаги қонунларга ўзгартиришлар киритилиши халқимиз дилидаги иш бўлди.

**Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаб битирувчи синф ўқувчиси Ш.Музаффаров:**

- Мен ҳам, барча тенгқурларим қатори, Олий Мажлиснинг ўтган сессияси материалларини, хусусан, Президентимиз маърузасини газетадан яхшилаб ўқиб чиқдим. Билдимки, келгуси йилнинг баҳоридан бошлаб ҳарбий хизмат муддати бир йил бўлар экан. Ишонч билан айтаманки, бу - биз учун жанговар қуроллар ва техника сирларини ўрганиш учун етарли муддат. Менинг мақсадим - мактабни тугатгач, албатта аскар бўлиб, Ватанимга хизмат қилиш, уни ҳимоя қилишни мукаммал ўрганиш. Муддатли хизматдан кейин шартнома бўйича хизматда қолиш ва профессионал ҳарбий бўлиб етишиш ниятим ҳам йўқ эмас.

**Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ хизматчиси, оддий аскар С.Сайдаҳмедов:**

- Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасини телевизорда бўлинмамизнинг барча шахсий таркиби билан тингладик. Давлатимиз раҳбарининг ҳарбий ислоҳотлар борасида таклифлари ҳаммамизда жуда катта таассурот қолдирди. Юртбошимиз маърузасини тинглар эканмиз, менинг ҳам, барча сафдошларимнинг ҳам кучига куч, ғайратига ғайрат қўшилди. Сабаби - маърузадан Президентимиз ва ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан мустақил давлатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтиришга жуда катта эътибор берилаётганини яна бир бор билиб олдик. Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони таъкидлаганидек, ҳарбий кишига - қўлида жанговар қурол билан Ватанимиз сарҳадларини, мустақиллигини туну кун ҳимоя қилаётганларга катта эътибор кўрсатилмоқда, улкан ғамхўрликлар қилинмоқда. Биз бунга жавобан барча куч ва маҳоратимизни, билимимизни Ватан ҳимоясига бағишлаймиз. Лозим бўлса, халқимиз, юртимиз учун жонимизни ҳам аямаймиз. Президентимиз томонидан олиб борилаётган ҳарбий ислоҳотларни сидқидилдан қўллаб-қувватлаймиз ва уларни амалга оширишга ўз улушимизни қўшамиз.

**(ЎзА).**





«Қашқадарё иссиқлик манбаи» бошқармаси жамоаси бу йилги қиш мавсумини меҳнатдаги ютуқлари билан кутиб олди.

Ушбу корхона вилоят миқёсида аҳоли турар жойлари ва ишлаб чиқариш корхоналари, билим юртларини иссиқлик манбаи билан таъминловчи етмишдан ортиқ улкан буғ қозонлари марказларини назорат қилади ва уларнинг доимий ишлашини таъминлайди.

***Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.***

**Ш.ШАРОПОВ**
**(ЎзА) олган суратлар.**

# «ОЛТИН ЁЛ» ХАРИДОРИ КЎПАЙМОҚДА

Бепоён Қизилқум саҳросида бир миллион бошдан зиёд қўй-қўзи, 10 минг бошга яқин туя ва йилқи боқилади. Чорвадорлар ҳар йили 2 минг тоннадан зиёд жун олмоқда. Бироқ «Навоийсавдо» акциядорлик жамияти ҳузурида «Олтин ёл» кичик корхонаси иш бошлагунга қадар чўпонлар жунни дуч келган харидорга арзон баҳода сотишга мажбур бўларди. Эндиликда бу хомашё мазкур фабрикага топширилмоқда.

Корхонага Германиянинг йилига 10 минг тонна жунни қайта ишлаш қувватига эга бўлган «Флайснер» фирмаси технологияси ўрнатилди. Унда жун сараланиб, ювилмоқда ва той ҳолида буюртмачиларга жўнатилаётир. Ҳозиргача республикамизнинг Хива, Косонсой гилам тўқиш фабрикаларига 3 минг тоннадан ортиқ жун етказиб берилди. Ушбу маҳсулотга Россия, Украина каби хорижий давлатлар ишбилармонлари ҳам қизиқиб қолди. Шу кунгача чет элга минг тоннадан зиёд жун экспорт қилинди.

Корхонада янги йилдан бошлаб жундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

**(ЎзА).**

# АСАКАДА УНИВЕРСАЛ САВДО МАЖМУАСИ

Асака мамлакатимизнинг обод ва гўзаллашиб бораётган гўшалардан бири. Бу ерда бир қанча йирик саноат корхоналари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари, маданият муассасалари хизмат кўрсатмоқда. Мустақилликка эришганимиздан сўнг айниқса шаҳар кўркига кўрк қўшилди. Айни кунларда бу ерда яна бир улкан қурилиш иншооти — шаҳар марказий деҳқон бозори фойдаланишга топширилиш арафасида.

Миллий ва замонавий архитектурани уйғунлаштирган ва аҳоли манфаатлари талабига мос келадиган мажмуа бир ярим йил вақт давомида бунёд этилди. Ушбу универсал савдо мажмуаси 4 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, 1100 ўринга эга. Бундан ташқари, 128 та савдо дўконлари аҳолига хизмат кўрсатишга тахт қилиб қўйилди.

— Шаҳримизнинг марказида жойлашган бу савдо иншоотини қуришда биринчи галда вилоят ҳокимлиги ва шаҳардаги кўплаб корхона ва ташкилотларнинг кўмаги катта бўлди, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Юсуфжон Акбаров. — Қурилиш ишларига жами 1 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Юксак малакали қурувчилар билан биргаликда маҳаллий қўли гул усталарнинг саъй-ҳаракати туфайли бунёдкорлик ишлари тез ва соз амалга оширилди. Савдо қилувчилар учун барча қулайликлар яратилганини айтиб ўтиш жоиз.

Жумладан, бу ерда меҳмонхона, сартарошхона, тиббиёт пункти, маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари, телефон алоқаси хизмат кўрсатишга шай. Чор-атроф гулзорлаштирилиб, янги усулда қурилган фаввора бозор кўринишига чирой бағишлайди.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, автомашиналар учун сақлаш, хизмат кўрсатиш учун майдонлар ажратилган. Бозор ҳудудидан қувурлар ўтказилиб, атроф ёритгичлар билан жиҳозланди. Савдо мажмуи ҳудудини кенгайтириш учун яна қўшимча 4 гектар майдон ажратиш мўлжалланган.

**О.ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# 70 МИЛЛИОН СЎМЛИК МАҲСУЛОТ

"Маҳаллий саноат" акциядорлик компаниясига қарашли "Рисолат У. Ю. Г." кичик корхонаси ташкил этилганига эндигина тўрт ой бўлди. Ўтган қисқа вақт ичида корхонада 70 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди.

— Корхонамиз Гулистон шаҳридаги собиқ тикув-атторлик цехи ўрнида ташкил этилганди, - деди унинг раҳбари Дилшод Бекмуродов "Туркистон-пресс" мухбирига. Цех қайта таъмирдан чиқарилди, мебеллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. Иш бошланган вақтда корхонада 12 нафар мебелсоз фаолият олиб борарди. Улар юмшоқ стуллар, бир ва икки тумбали столлар, кийим шкафлари, китоб жавонлари, синф доскалари, парталар, тиббиёт муассасалари учун каравотлар, шкаф, кушетка ва тумбочкалар ишлаб чиқариша бошлашди.

Д. Бекмуродовнинг таъкидлашича, кичик корхона вилоятда ўтказилган тендерда ғолиб чиқиб, вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш, капитал қурилиш бошқармалари учун 180 миллион сўмлик ана шундай мебеллар ишлаб чиқаришга буюртма олган.

- Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз сифатига харидорларимиз эътироз билдиришмаяпти, - деди Дилшод Бекмуродов. - Шундай бўлсада, маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш ва сонини кўпайтиришни, шунингдек, уларни кенг истеъмолчиларга етказишни режалаштирганмиз. Бунинг учун бозор талабларини ўрганмоқдамиз. Келажакда корхонадаги иш ўринлари сони 35 тага етказилади.

***Поп тумани прокуратураси томонидан шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида вояга етмаганларнинг соғлиги, таълим-тарбияси, ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан бир қатор ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтказилган 17 та текширув жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 20 та тақдимнома, ғайриқонуний равишда қабул қилинган қарорни бекор қилиш ҳақида протест киритилди. 20 нафар шахс интизомий, 25 нафари маъмурий, 16 нафари моддий жавобгарликка тортилди.***

*Васийлик ва ҳомийлик*

# ДАЪВО АРИЗАСИ КИРИТИЛДИ

Вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун олти йилдан бери алимент тўлашдан қасддан бош тортиб келаётган бир нафар шахсга нисбатан ЖКнинг 122-моддаси билан жиноий иш қўзғатилди. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ижроси текширилганда, 6, 22, 23, 50-сонли боғчаларга болаларни қабул қилишда тегишли ҳужжат ва маълумотлар талаб қилинмасдан санитария нормаларига риоя этилмагани, айрим ходимлар тиббий кўрикдан ўтмагани, хўжалик мудирлари томонидан маълум миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари талон-тарож қилингани аниқланиб, бу ҳолатларни бартараф этиш юзасидан туман халқ таълими бўлими мудири номига тақдимнома киритилди. 4 нафар ходим интизомий, 4 нафари маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди.

Айниқса, туманда болаларни васийлик ва ҳомийликка олишда қилинаётган ишлар мутлақо қонун талабларига жавоб бермайди. Васийлик ва ҳомийлик органи фаолияти ўрганилганда, вояга етмаганларни фарзандликка олишни расмийлаштириш ҳамда уларга васий ва ҳомий тайинлашда «Вояга етмаган болаларни ўғилликка (қизликка) ва болалар оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида»-ги Низом талаблари бузилган. Унинг 12-бандига асосан аризаларда фарзандликка олувчи ва олинадиган бола тўғрисидаги барча маълумотлар ўз аксини топган бўлиши шарт. Бироқ васийлик ва ҳомийлик органи томонидан маълумотлар тўла жамланмаган аризалар ҳам қабул қилинаверган. Аризаларнинг аксариятида ёзилган, қабул қилинган санаси, мудир визаси қўйилмаган. Низомнинг 12-банди талаблари ҳам қўпол равишда бузилган.

2001 йил давомида 13 нафар, шу йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида 8 нафар вояга етмаган болалар васийлик ва ҳомийликка олинган бўлса, уларнинг биронтаси ҳам тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилмаган, мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари кўрилмаган. Гарчи Оила Кодексининг 149-моддасига биноан васийлик ва ҳомийлик органларига ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва уларни жойлаштириш вазифаси юклатилган бўлса-да, комиссия қишлоқ фуқаролар йиғинлари, мактабгача тарбия, даволаш ва бошқа муассасалардан қаровсиз қолган болалар ҳақида мунтазам маълумотлар олиб туриш ўрнига келиб тушган аризаларни ҳал қилиш билангина чегараланган. Бу ҳам етмагандек, васийлик ва ҳомийлик органи томонидан Отабек Эргашев ҳамда Нозима Эргашеваларни васийлик ва ҳомийликка бериш тўғрисидаги аризани ҳал қилишда қонун талаблари бузилган. Поп туман Тепақўрғон қишлоғида яшовчи Саъдихон Эргашев ўз аризасида 1988 йилда туғилган Отабек, 1992 йилда туғилган Нозима Эргашеваларни туман ҳокимининг қарорларига асосан фарзандликка олгани, турмуш ўртоғи вафот этганлиги, моддий қийинчиликлар туфайли фарзандлари учун давлат томонидан нафақа олишга ёрдам сўраган. Натижада ҳомийлик ва васийлик органи туман ХТБнинг шу йил 24 апрелдаги 202-сонли ҳамда туман ҳокимининг шу йил 11 майдаги 378-сонли қарорлари билан Отабек Эргашев, Нозима Эргашевалар Саъдихон Эргашевга васийлик ва ҳомийликка берилган. Ҳолбуки, Поп туман ҳокимининг 1991 йил 8 февралдаги 2/8-сонли қарори билан 1988 йилда туғилган Абдусамат Ғофуровнинг исми-фамилияси Отабек Эргашев деб ўзгартирилиб, худди шунингдек, шу туман ҳокимининг 1994 йил 28 январдаги 01/48-сонли қарори билан 1992 йилда Тепақўрғон қишлоғида топилган чақалоқнинг исми-шарифи Нозима Эргашева деб қўйилиб, ҳар иккаласи Саъдихон Эргашевга фарзандликка берилган эди.

Оила Кодексининг 165-моддасига асосан фарзандликка олинган болалар барча шахсий ва мулкий ҳуқуқларда фарзандликка олувчининг ўз болаларига тенглаштирилади. Ота-оналар ўз фарзандларининг барча шахсий, мулкий ва ҳуқуқ манфаатларини ҳимоя қиладилар ҳамда моддий жиҳатдан таъминлайдилар. Туман прокуратураси томонидан васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда туман ҳокимининг қонунга зид қарорларини бекор қилиш ҳақида фуқаролик судига даъво аризаси киритилди.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

***Кейинги пайтларда Андижон вилоятининг иқтисодий-ижтимоий тараққиётида ижобий силжишларга эришилди. Ялпи маҳсулот ҳажми 3.7 фойизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1.2 фойизга ортди. Бу ютуқларда вилоятда меҳнат қилаётган 581 минг нафарга яқин касаба уюшма аъзоларининг муносиб ҳиссаси бор.***

# СИҲАТГОҲЛАРГА

Тасарруфига 4311 та бошланғич ташкилотларни бирлаштирган Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаётган меҳнаткашлар, ўқувчи-талабаларни иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларнинг маданий-маърифий, маънавий савиясини ошириш, дам олишини уюштириш, жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш соҳасида катта тажриба тўплаган. Айни чоғда уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун қулай шароит яратилганлиги, моддий ва маънавий рағбат тўғри йўлга қўйилганлиги ўз самарасини бермоқда.

Шунга қарамасдан айрим шаҳар ва туманларда ислоҳотларни амалга ошириш, ер, сув, ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш, бюджет тўловлари ва иш ҳақини ўз вақтида бериш борасида камчиликларга йўл қўйилияпти. Касаба уюшмалари иш берувчилар билан ҳамкорликда мавжуд нуқсонларни бартараф этишга ҳаракат қилишмоқда.

Вилоят Кенгаши ва тармоқ қўмиталари мутасаддилари ўтган давр ичида Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш ва Ёғ-мой ҳиссадорлик жамиятлари, Механика заводи, Олтинкўл иқтисодиёт коллежи, Енгил таксилар саройида бўлиб, меҳнаткашлар билан учрашдилар. Жамоа раҳбарлари иштирок этган анжуманларда ҳақиқий аҳвол таҳлил этилди ва юзага келган муаммоларнинг ечимини топиш тадбирлари белгиланди.

Қўрғонтепа, Андижон, Булоқбоши, Шаҳрихон, Хўжаобод, Балиқчи, Олтинкўл, Асака туманлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмиталари ўртасида меҳнат қонунчилигини ўрганиш бўйича очиқ мулоқотлар уюштирилди.

Раёсат йиғилишларида Алоқа ходимлари бирлашган қўмитаси қуйи ташкилотларида жамоа шартномаларининг бажарилиши, Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма ташкилотларининг Ўзбекистон касаба уюшмалари қурултойи қарорларини амалга оширишдаги фаолияти, Автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмалари вилоят Кенгашида аъзолик бадаллари йиғиш, унинг тўлалик коэффицентини таъминлаш ва ижтимоий суғурта маблағларини тушириишда олиб бораётган ишлари хусусидаги масалалар кўриб чиқилди.

Нодавлат ташкилотларини касаба уюшма хиз-

## Саволингизга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитасининг Бош ҳуқуқшуноси Карим МУХТОРОВ жавоб беради

**САВОЛ:** ***қонунларда ишлаётган айрим пенсионерларга ва тиббиёт ходимларига тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқи берилган экан. Бу имтиёз қайси ходимларга ва лавозимларда ишлаётганларга татбиқ қилинади ва унинг тартиби қандай?***

***Ишлаётган пенсионерларга бир йилда бир маротаба икки ойлик пенсияни тўлиқ олиш ҳуқуқи сақланиб қолганми? Шу масалада тушунтириш берсангизлар.***

**Л.МАШАРИПОВ,**
**Чортоқ туман марказий касалхонаси касаба уюшма қўмитасининг раиси.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 9, 11, 12-моддалари ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган 2-ҳамда 3-сонли рўйхатларига асосан меҳнат шароити ўта зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимларга, шу жумладан, тиббиёт ходимларига ёшга доир пенсияга чиқиш учун қонунда белгиланган ёшнинг 10 йил ва 5 йилга қисқартирилган имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи берилган.

Қонуннинг 7,12-1, моддаларига биноан эркаклар – 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда, аёллар – 54 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг «Аёллар йили» муносабати билан 1999 йил 14 апрелдаги «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қонунини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бу қонунга мувофиқ давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиши лозим бўлган ишларда камида 20 йиллик иш стажига эга аёллар 54 ёшга тўлганда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Иш берувчи ва ходимлар иши билан шуғулланувчи мутахассислар пенсияга чиқувчиларнинг ҳужжатларини тайёрлашда қонун билан ўрнатилган тартибга эътибор беришлари керакки, ходимнинг пенсияга чиқиш ҳуқуқи унинг ўз истаги билан амалга оширилади. Пенсия ёшига тўлганлиги ва керакли иш стажига эга бўлганлигини асос қилиб кўрсатиб, уни мажбурий равишда вазифасидан озод қилинишига асло йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги Фармонига асосан 1996 йилнинг 1 январидан бошлаб ишлаётган пенсионерларга қуйидаги миқдорда пенсия тўланадиган бўлди:

– уруш қатнашчилари ва ногиронлари, уларга тенглаштирилганларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ва Чернобил ҳалокатидан жароҳат олган шахсларга тўлиқ миқдорда;

– булардан ташқари ишловчи пенсионерларга тайинланган пенсиянинг эллик фоизи миқдорида.

Қонунчилигимизда пенсия олиб ишлаётган айрим ходимлар тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига эга эканликлари кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йилнинг 17 мартида «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга асосан 1999 йилнинг 1 июлидан бошлаб аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернатлари, Меҳрибонлик уйлари тарбиячилари, шунингдек, кутубхоначилар ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур кўрсатиб ўтилган мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлган ҳолларда уларнинг тўлиқ миқдорда пенсия олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

Кўрсатиб ўтилган мутахассислар қуйидаги лавозимларда ишлаганда пенсияни тўлиқ миқдорда олиш мумкин. Бу Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий таъминот, Меҳнат ва Молия вазирликлари томонидан 1999 йил 31 майда тасдиқланган «Ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ишлаётган аёлларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш тартиби»да қуйидагича белгиланган:

– ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари (корхоналарнинг бўйсунишидан қатъий назар);

– тиббий регистраторлар, дезинфектор;

– барча турдаги тиббий ҳамширалар, Меҳрибонлик уйлари тиббий ҳамшираси, фельдшер, доя (акушерка), лаборант, рентгенолаборант, инструктор, тиббий статист, тиш техниги, тиббий-ижтимоий ходим;

– операцияси тиббий ҳамшира, тиббий ҳамшира – анестезист, туғруқ уйи (бўлим)нинг дояси;

– санитар-шифокор, эпидемиолог-шифокор, паразитолог-шифокорларнинг ва энтомологнинг ёрдамчилари;

– катта тиббий ҳамшира, фельдшер, доя, ФАП нинг фельдшер ва дояси, тез ёрдам подстанциясининг фельдшери;

– ҳамшира иши мутахассиси;

– санитарка, энага, энага-санитарка, овқатлантирувчи;

– беморларга қаровчи кичик тиббий ҳамшира;

– хўжалик бекаси, бошқа ўрта ва кичик тиббий ходимлар;

Провизор:

– барча турдаги муассасалар (корхоналар) провизорлари.

Меҳрибонлик уйлари ва ногирон болалар интернатлари:

– кўрсатилган уйлардаги ҳамда гўдаклар уйларидаги катта тарбиячилар ва тарбиячилар.

Кутубхоначи:

– бош кутубхоначи, етакчи кутубхоначи, кутубхоначи, бош библиограф, етакчи библиограф, библиограф.

Кўрсатилган мутахассислиги бўйича талаб қилинган иш стажининг давомийлиги кўрсатиб ўтилган барча лавозимлардаги иш даврлари ҳисобга олиб аниқланди.

Бунда, аёл пенсияга чиқиш олдидан Фармонда кўрсатилган лавозимларда 10 йиллик иш стажига эга бўлса ва пенсияга чиққандан кейин ҳам Фармонда кўзда тутилган мутахассисликлардан бири бўйича ишни давом эттираётган бўлса, унга пенсия тўлиқ миқдорда тўланади. Агар аёл пенсияга чиқиш олдидан Фармонда кўрсатилган лавозимларда 10 йиллик иш стажига эга бўлмаса ёки 10 йиллик стажга эга бўлиб туриб, Фармонда кўрсатилмаган лавозимда ишласа, унга пенсия 50 фоиз миқдорида берилади.

Фармондаги ишловчи аёлларнинг тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқи тўғрисидаги тартиб имтиёзли шартларда, яъни «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 12-1 моддасида белгиланган ёшдан (54 ёшдан) олдин пенсияга чиққан аёлларга ҳам қўлланилади.

Энди ишлаётган пенсионерларнинг ҳар йили икки ой тўлиқ пенсия олиб келганлиги ва ҳозир уни бекор қилинганлиги масаласига келсак. Меҳнат вазирлигининг 1996 йил 30 апрелдаги 202/04-1-сон ва Ижтимоий таъминот вазирлигининг 1996 йил 30 апрелдаги 669/05-сон қўшма тушунтиришларига асосан ишловчи пенсионерлар 2001 йилнинг 1 январигача ҳар йил икки ой муддат учун пенсия олиш ҳуқуқидан фойдаланиб келишган.

Меҳнат ва Ижтимоий таъминот вазирликларининг 2000 йил 5 декабрдаги қўшма хатига асосан бу вазирликларнинг 1996 йил 30 апрелдаги «Ишловчи пенсионерларга йилда икки ой давомида тўлиқ пенсия тўлаш тўғрисида»ги қўшма тушунтиришлари Ўзбекистон Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтмаганлиги туфайли 2001 йилнинг 1 январидан ўз кучини йўқотган деб ҳисобланди.

Бу қўшимча хатда икки ойгача меҳнат шартномаси билан ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш Ижтимоий-таъминот, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармалари томонидан ишлаб чиқилиб, Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган ва 1995 йил 12 декабрдаги Адлия вазирлигидан 198 рақам билан давлат рўйхатидан ўтган «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби»нинг 31-банди талабларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

Демак, ёшга доир ёки III гуруҳ ногиронлиги туфайли пенсия олаётган ва ишламайдиган шахслар фақат йилда 2 ой шартнома асосида ишлаб, тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига эга.

## Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА жавоб беради

**САВОЛ:** ***1993 йилда туғилган ногирон ўғлим бор. У махсус интернатда ўқийди. Ойлик иш ҳақимдан энг кам ойликнинг тўрт баравари миқдорида даромад солинадиган солиқдан озод қилинадими?***

**Қўшназар ВАЛИЕВ,**
**Қўшкўпир тумани.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси 59-модда 2-қисми «м» бандига мувофиқ болалигидан ногирон бўлган ва доимий парваришга муҳтож бўлган фарзанди билан яшаб, уни тарбиялаётган ота-онасидан бири ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида даромад солинадиган солиқдан озод қилиши назарда тутилган.

Сиз хатингизда келтирилган маълумотга кўра, ўғлингиз махсус интернатда ўқийди, яъни ота-онаси билан доимий бирга яшамайди. Шу сабабли ҳам юқорида айтиб ўтилган имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмассиз.

**САВОЛ:** ***1940 йилда туғилганман. Ҳозир ёшга доир пенсия оламан. Лекин олаётган пенсиянинг миқдори жуда кам. Иш стажим ҳам юқори эмас. Сабаби ёшга доир пенсияга чиқишимдан олдин 6 йил II гуруҳ, кейинчалик III гуруҳ ногирони эдим. Шу даврлар иш стажимга қўшиладими?***

**О.ОРИФЖОНОВ,**
**Жиззах шаҳри.**

**ЖАВОБ:** «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 37-моддасида иш стажига қўшиб ҳисобланадиган меҳнат фаолияти турлари кўрсатиб ўтилган.

Фуқароларнинг корхона айби билан меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида I ва II гуруҳ ногиронлигида бўлган вақти ёшга доир пенсияси тайинланаётганида стажга қўшиб ҳисобланади.

Агар умумий касаллик сабабли ногиронлик пенсияси тайинланган бўлса, ушбу давр ёшга доир пенсияга чиқганида меҳнат стажига қўшилмайди.

# БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN





## СОҒЛОМЛАШТИРИШГА 50 МИЛЛИОН

***Фарғона вилоятининг Қува туманида аҳоли соғлиғини сақлашда муҳим қадамлар қўйилди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг ўтган қисқа давр мобайнида бу ерда 6 та янги қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

Шунингдек, 11 та қишлоқ врачлик амбулаторийси ҚВПларга айлантирилиб, замонавий талаблар асосида бутунлай қайтадан жиҳозланди. АҚШ ривожланиш ва тараққиёт уюшмаси, Жаҳон тинчлик корпуси ёрдамида Бўстон, Ҳақиқат, Ўзбекистон, Хонобод, Навоий аҳоли пунктларидаги даволаш масканларига 50 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тиббий асбоб-ускуналар, жиҳозлар келтирилди.

Айни кунларда туманда аҳолига 690 ўринли шифохона, сил касалликлари диспансери, 4 та марказий ва тиш даволаш поликлиникаси, тез ёрдам, 10 дан ортиқ йўналишда хусусий даволаш масканлари ишлаб турибди. Шуниси характерлики, туманда оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Туман марказидаги 90 ўринли она-бола реабилитация маркази қайтадан таъмирланиб, Германиядан келтирилган даволаш ускуналари ўрнатилди. Шунингдек, бу ерда шифокорларнинг малакасини ошириш ва қайта ўқитишга ҳам катта эътибор қаратилди. Икки нафар врач Англияда, ўн саккиз нафар ҳамшира Исроилда малака ошириб қайтди.

**С.НУРИЕВ.**



Қашқадарё вилоят ИИБ ЙҲХБ катта инспектори, милиция катта лейтенанти Узар Эштўхтаевни Қарши шаҳридаги ҳайдовчиларнинг кўпчилиги яхши танийди. Боиси ўз хизмат вазифасини сидқидилдан бажариб, сафдошларига ибрат бўлаётган жонкуяр ходим тажрибаси ғоятда асқотмоқда.

Ана шундай фидойи меҳнат соҳиблари кўпчиликни ташкил этганлиги туфайли вилоятда йўл транспорт ҳодисалари камайиб бормоқда.

### *Касаба уюшмалари бозор шароитида*

# ИМТИЁЗЛИ ЙЎЛЛАНМАЛАР

матига олиш асосий эътиборда турибди. Вилоятда 63 минг 721 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари рўйхатга олинган. Тадбиркорлар ҳиммати билан ёлғиз кексалар, кам даромадли оилалар ва ногиронларга 21 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Шаҳрихонлик тадбиркор Одинахон Отахонованинг кўп тармоқли фирмасида тикувчи, бичувчи, кулинар ва патронаж хизмати ходимлари тайёрланади. Ҳозиргача мактабларнинг битирувчиларидан 72 нафари касб-ҳунар эгаллади.

Бундан ташқари, фирма жамоаси мактаблар, болалар боғчаларини оталиққа олган. Хусусан, улар томонидан илм масканлари ва тарбия муассасаларига 1 миллион 200 минг сўмлик ҳомийлик ёрдам кўрсатилади.

«УзДЭУ авто» қўшма корхонасида эса ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 64 минг 500 сўмга тўғри келди. Корхонада ишчиларни техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси, шахсий ҳимоя воситалари, кийим кечаклар, сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлашга 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Андижон ёғ-мой ҳиссадорлик жамиятида ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимлар корхона ҳисобидан 3.5 миллион сўмлик газета-журналларга обуна қилинди. Ходимлар меҳнат таътилга чиқаётганда ойлик маошига 50 фойизга қўшимча ҳақ тўланади. «Андижон Телеком» акционерлик жамиятида ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш ва «Бандлик» дастурига асосан 441 та қўшимча иш ўринлари яратилди. Жорий йилда турли ижтимоий имтиёзларга 280 миллион сўм харажат қилинди.

Фаолларнинг назарий ва амалий билимлари оширилаяпти. «Меҳнат кодекси»ни ўрганиш учун 16 соатлик ўқув машғулотлари ўтказилаяпти Фуқароларга юридик хизматни яхшилаш, ижтимоий ҳимоя, меҳнат ва дам олиш соҳасидаги имтиёзлар ҳақида вилоят матбуотларида эшиттиришлар бериб борилаяпти. Кенгашга мурожаат қилган 300 нафардан зиёд фуқарога юридик маслаҳат берилди. Вилоят прокуратураси, Адлия ва Ички ишлар бошқармалари билан ҳамкорликда ўқитувчилар малакасини ошириш институтида «Ҳуқуқий таълим таянч пункти» ташкил этилган.

«Қарияларни қадрлаш» йили дастури амалга оширилаяпти. Ишлаётган 558 нафар пенсионерга кўп йиллик хизмати учун уч ойлик маош миқдорида мукофотлар берилди. Икки мингдан ортиқ нафақахўрлар моддий рағбатлантирилди ва мукофотланди. Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож кексалардан 164 нафарини «Марҳамат» ва «Нефтчи» сиҳатгоҳларда дам олдириш учун касаба уюшмалари маблағидан 6 миллион 715 минг сўм маблағ сарфланди.

Ийд Рамазон ва Конституция қабул қилинганлигининг 10 йиллиги муносабати билан «Саховат», «Мурувват», меҳрибонлик уйлари ва мактабларнинг тарбияланувчиларидан 3200 нафарига кийим-кечаклар тақдим этилди. Оролбўйи аҳолисининг 800 нафар болалари вилоят оромгоҳларида соғломлаштирилди.

– Амалга оширилган кенг кўламдаги ишлар билан бирга камчиликлар ҳам бор,- дейди Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши раиси Қодиржон Парпиев.– Жумладан, йилнинг ўтган даврида касаба уюшма бюджетларидан 145.5 миллион, ижтимоий-суғурта маблағларидан 405 миллион сўм қарздорлик вужудга келди.

**Иззат ҲИКМАТОВ**
**«Ишонч» мухбири.**

### *«Ишонч» фош этади*

***Солиқлар-иқтисодиётимиз таянчи. Шу боис ҳар бир шахс уни ўз вақтида тўлаши, юртимиз равнақи, фуқароларимиз турмуш фаровонлигига ҳиссасини қўшмоғи лозим. Афсуски, айрим кимсалар томонидан ўз фойдасини кўзлаб, мўмай даромад топиш мақсадида ноқонуний савдо фаолияти ёки амалдаги солиқ қонунчилигини бузиш ҳоллари ҳануз учраб турибди.***

# ҚОНУНБУЗАРЛАР ЖАРИМА ТЎЛАШДИ

Тошкент тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келишини тартибга солиш тўғрисида»ги Қарорининг бажарилиши юзасидан бир қатор амалий ишларни олиб бормоқда. Хусусан, аввало тадбиркорларга қарорнинг асл моҳияти жонли мулоқот ва семинарлар орқали етказилмоқда. Келес шаҳри, Кўк Сарой ва бошқа фуқаролар йиғинларида уларга мурожаатномалар тарқатилди, солиқ қонунчилиги борасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, юқоридаги қарор юзасидан ўтказилган текширувлар натижасида ноқонуний савдони ташкил этган тадбиркорлар томонидан 26 миллион 220 минг сўмлик товар моддий бойликлар олиб қўйилди. Биргина хусусий тадбиркор Муҳаббат Каримова Хитойда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли молларини ҳеч қандай ҳужжатсиз 13 миллион 519 минг сўмлик товарларни республикамизга олиб кираётган вақтда фош этилди. Шу каби ҳуқуқбузарликлар юзасидан 35 та маъмурий чора қўлланилди. Солиқ ходимлари томонидан олиб борилаётган ишлар самараси ўлароқ, экспорт-импорт, чакана, улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар сони 248 нафарга кўпайгани эса ижобий ҳолдир. Мамлакатимиз ҳудудига товарлар олиб келишни тартибга солиш, расмийлаштириш тартибини соддалаштириш ва божхона тўловларини тўлашда тадбиркорларга бир қатор енгилликлар яратилди. Энг муҳими, баъзи бир нопок сохта тадбиркорлар томонидан солиқ тўлашдан қочиб, контрабанда яъни ноқонуний йўллар билан Республика ҳудудига товарларни олиб киришларига чек қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори юзасидан туманда инкассация йўналиши бўйича 3 та ДСИ ходими бириктирилган. Жорий йилнинг августига қадар 248 та инкассация қилинадиган субъектлар бўлган бўлса, ҳозирга келиб улар сони 276 тага етди. Солиқчилар саъй-ҳаракатларига қарамай текширувларнинг аксариятида қонунбузарлик ҳолатлари кузатилмоқда. Эътибор беринг, касса аппаратидан фойдаланмаслик бўйича 19 та ҳолатда қонун бузилиш аниқланган бўлса, шундан 7 та юридик, 12 та ҳолатда эса жисмоний шахслар томонидан содир этилгани ташвишли ҳолдир. Оқибатда ҳуқуқбузарлар жами 4 262,9 минг сўм молиявий жарима билан «сийланди». Нақд пул тушумини банкка топширмаслик юзасидан эса 17 та ҳолатда қонунбузарлик аниқланди. Ушбу камчиликлар юзасидан 21 нафар шахсга 480,2 минг сўм маъмурий жарима қўлланилиб, 3 та ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғатилди. Назорат касса машинасидан фойдаланмаслик хусусий тадбиркор Саид Тастанбеков, «Талатсервис» хусусий фирмаси кабиларга қимматга тушди.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳар бир фуқаро масъулдир. Давлат хазинасига тушаётган маблағлар албатта сизу бизнинг фаровон турмуш кечиришимиз, фарзандларимиз келажаги, халқимизнинг яшаш шароитини яхшилашга сарфланишини англаб етмоғимиз лозим.

**Ш.ИСЛОМОВ,**
**Тошкент тумани Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи.**
**Д. ЖОЗИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

Шоҳмот

# ҒОЛИБЛАР

## жаҳон ва Осиё чемпионатига боради

Фарғонада 10-14 ёшдаги ўғил-қизлар ўртасида шоҳмот бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди. Мусобақанинг аҳамиятли жиҳатларидан бири шуки, унда биринчи ва иккинчи ўрин эгалари жаҳон ва Осиё чемпионатида иштирок этадиган мамлакатимиз терма жамоасига таклиф этилди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган 68 нафар ёш шоҳмотчи ўзаро куч синашди. Ўн ёшли шоҳмотчилар баҳсида Тошкент вилояти вакиллари Жаннат Собирова биринчи, Ойша Юсупалиева иккинчи ўринга сазовор бўлди. Ўн икки ёшли қизлар орасида фарғоналик Ҳулкар Тоҳиржонова ҳамда тошкентлик Шаҳноза Собирова, ўн тўрт ёшли шоҳмотчи қизлар ўртасида эса тошкентлик Ирина Геворгян ва фарғоналик Нафиса Мўминова ғолибликни қўлга киритди.

Ўн ёшли ўғил болалар сафида дона сурган тошкентлик Улуғбек Тиллаев ва Самарқанд шоҳмот мактаби тарбияланувчиси Нодир Воҳидов, ўн икки ёшли шоҳмотчилар беллашувида самарқандлик Жамшид Мустафоев ва тошкентлик Евгений Пак, ўн тўрт ёшли шоҳмотчилар баҳсида тошкентлик Андрей Ковон ва самарқандлик Соҳиб Жўраев ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

**(ЎзА).**



саҳнада:

### «БИР ҚАДАМ ЙЎЛ»

Бир йил муқаддам Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўзаро ҳамкорликда «Сарҳисоб» республика театр санъати танловини эълон қилган эди. Юртимизда театр жамоаларининг мустақиллик йилларидаги фаолиятини атрофлича ўрганиш, энг сара саҳна асарларини кенг намойиш этиш, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ўтказилган ушбу танлов ниҳоясига етди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида Усмон Азим асари асосида режиссёр Валижон Умаров саҳналаштирган «Бир қадам йўл» спектакли биринчи ўринга лойиқ топилди.

Иккинчи ўринга Ўзбекистон Ёшлар театрининг «Маликаи Турандот» ва Республика ёш томошабинлар театрининг «Турна патлари» спектакли, учинчи ўринга Қаршидаги «Эски мачит» театр-студиясининг «Рақсу самоъ» асари сазовор бўлди.

**(ЎзА).**

### Биласизми?

**Адан қўлтиғи** – Арабистон ва Сомали ярим ороллари ўртасидаги қўлтиқ. Бу ном денгиз соҳилларида деҳқончилик билан шуғулланувчи ўтроқ (адн арабча «ўртоқ» дегани) халқ номидан олинган.

**Ақаба қўлтиғи** – Қизил денгизидаги қўлтиқ. Ақаба – арабча «хавфли сўқмоқ йўли», «якка оёқ йўл», демакдир.

### СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

**Боб ул-Мандаб** бўғози – Адан қўлтиғи ва Қизил денгиз ўртасидаги бўғоз. Унинг номи арабча «кўз ёши дарвозаси» деган маънони билдиради. Гап шундаки, бўғозда кичик-кичик оролчалар бўлиб, уларнинг бир қисми ер остида саёзликлар ҳосил қилади. Бу саёзликлар кема қатнови учун жиддий хавф туғдирар, ҳатто фалокат ҳам рўй бериб турган.

**Дажла** – Ғарбий Осиёдаги дарё. Араблар Дижла деб юритадилар. Ҳар иккала шаклда ҳам маъноси бир хил, яъни «дарё» демакдир.

**Нил** – Африка қитъасидаги энг узун дарё. Нил сўзи қадимги мисрликлар тилида «дарё», «сув» каби маъноларни англатган.

Нил дарёсининг Оқ Нил ва Кўк Нил каби ирмоқлари шу дарёлар сувининг рангига қараб номланган.

**Форс** қўлтиғи – Ҳинд океани қўлтиқларидан бири. Қўлтиқ Жанубий Эронда яшовчи форс қабилалари номи билан аталган. «Форс» сўз қадимги ҳинди тилида «чавандозлар», яъни йилқичилик билан шуғулланувчи халқлар маъносини англатади.

## ЎҚИТУВЧИЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНИШДИ

Бугунги кунда ахборот технологиялари таълим жараёнларида ўзига хос кенг йўл топмоқда. Бунда компьютер қурилмаларидан моҳирона фойдаланиб, талаба-ёшларга пухта билим бериб келаётган тажрибали педагогларнинг хизмати катта, албатта.

Бу каби фидойи ўқитувчиларни муносиб тақдирлаш мақсадида ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича республика танлови эълон қилинган эди. Очиқ жамият институти – кўмак жамғармаси томонидан ўтказилган бу маҳорат кўригида қатор олий таълим муассасалари фаоллик кўрсатдилар.

Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Давлат ва жамият қурилиши академияси, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ва бошқа олий ўқув юртлари муаллимлари ғолибликни қўлга киритдилар. Улар замонавий компьютер қурилмалари билан мукофотланди.

**А.АЛИЕВ.**

*Юртимиз шифо масканларида*

# «ЧИМЁН» ПАНСИОНАТИ

## уч баробар кенгайди

Мадаминжон ака билан бир марта суҳбатда бўлган, давра қурган, қўлида шифо топиб, соғлиғини тиклаган борки, унутмайди.

1974 йилда ўзи асос солган, ҳозир 160 ўринга эга бўлган «Ўзбекистон темир йўллари» ҳиссадорлик компаниясига қарашли «Чимён» дам олиш ва даволаниш масканини рости билан ҳам Мадаминжон Аҳмедовнинг ўз уйи, хонадонига айланиб қолган. Фахрий дам олишга чиқиб, пансионат бошқарувини ўғли Амриддинга топширганига анча йиллар бўлган эса-да, ҳар куни, керак бўлганда, тонгдан тонггача дам олиш масканида. Йўл-йўриқлари, маслаҳатлари билан ўғлига кўмакчи, дам олувчиларга, даволанувчиларга мададкор, дўст.

«Чимён» пансионати Помир-Олой тоғларининг Қатрон тизмасида, денгиз сатҳидан 700 метр баландликда жойлашган. Рельефи, қир-адирлардан иборат табиий ландшафти ниҳоятда гўзал. Жанубда Миндон, Водил қишлоқлари, шарқда Фарғона ва қадим Марғилон шаҳарлари, ғарбда Қирғизистоннинг Ёрқўтон музофотлари оралиғида жойлашган воҳа иқлимининг мўътадиллиги, мусаффолиги билан ажралиб туради. Атрофида 20 дан ортиқ турли табиий минералларга бой булоқлар бор.

XX асрнинг бошларида Чимён чор ҳукумати томонидан немис Альфред Бенхар Нобелга, ҳа-ҳа, ўша машҳур, ҳозир номи билан аталадиган халқаро мукофот таъсисчиси Нобелга сотиб юборилган эди. Сабаб – Чимён қир-адирларида қора суюқлик – нефт табиий ҳолда ўз-ўзидан оқиб ётарди. Тадбиркор Нобел нефтнинг қадр-қимматини, бебаҳо хазина, кони фойдалигини яхши билиб енг шимариб ишга тушиб кетади. Эронда ўз қарамоғида бўлган конлардан юзга яқин оилани Чимёнга кўчириб келтириб, нефт қазишни бошлаб юборади. Хонқиз, Қопчуғай, Эшон Яланги ва Полосон томондан Ванновск (ҳозирги Ҳамза шаҳри)-ка қувурлар торттириб, нефтни қайта ишлаш заводини барпо этади. Нефт қазиб олинган қудуқлар ўрнида олтингугуртли маъдан сувлар ҳосил бўла бошлайди. Улар сероводород минералига бой шифобахш сувлар эди.

1948 йилда илк бор нефтчилар шаҳарчаси шифохонаси ҳузурида Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бўлими тасарруфидаги 15 ўринли, кейинчалик 80 ўринли сув билан даволовчи бўлим очилди. Айни ана шу бўлимда Қўқон тиббиёт билим юртини тугатган Мадаминжон Аҳмедов ўз меҳнат фаолиятини бошлади. Шу тариқа изланувчан, тиниб-тинчимас ёш мутахассис минералга бой сув билан беморларни даволаш ишига бош-қош бўлди. Ўз билими ва тажрибасини янада ошириш мақсадида Мадаминжон Самарқанд тиббиёт институтида таҳсил олди. Иш бошлаган жамоага қайтиб, унинг ҳузурида вилоят шифохонасига асос солди, унга раҳбарлик қилди.

Чимён сувининг шифобахшлиги тезда довруғ топди. Бирин-кетин дам олиш ва даволаниш масканлари барпо этила бошланди. Мадаминжон темирйўлчилар учун махсус санаторий қуришга киришди. Эҳ-ҳе, бу йўлда у не-не қийинчиликларни, азобларни кўрмади, дейсиз. Лекин қатъиятлилиги, ниҳоят, уни сийлади: 1974 йилда пансионат ишга тушди ва унга Мадаминжон Аҳмедовнинг ўзи бош ҳаким этиб тайинланди.

Ўтган 28 йил давомида пансионат қарийб уч баравар кенгайди. Бугун у барча қулайликларга, замонавий дизайнга эга икки ва уч қаватли бинолар, коттежлар мажмуидан иборат йирик дам олиш, даволаниш масканидир. Кинозал, кутубхона, маҳобатли нақшинкор чойхоналару савдо дўконлари, 200 ўринли ошхона, физиотерапия бўлими, сероводородли ванна-хоналар, уқалаш, игна билан даволаш, тиш даволов, дам олиш хоналари, фитобар, спорт иншоотлари ҳордиқ олувчилар, даволанувчилар хизматида.



Пансионатда юрак ва қон-томир хасталиклари, жумладан, эндокардит, юрак пороги, кардиосклероз, юрак ва бош мия томирлари атеросклерози, хафақон касаллиги, қўл ҳамда оёқ томирлари атеросклерози, ҳаракат ва таянч аъзолари, асаб системаси, тери, ошқозон-ичак тизими хасталиклари каби касалликлар даволанади.

**Нарзулла ШОДИЕВ,**
**Солижон ҲАСАНОВ,**
**профессорлар.**

Истеъдод

# КИЧКИНА БАХШИ

***Олимбой ишга бирров кўриниб, тушдан кейин Хивага, бахши шоирлар фестивалига борарман, деб кўнглига тугиб қўйди. Лекин тасодифан кучли довул тургани боис электр корхоналарида фавқулодда ҳолат эълон қилинди.***

Электриклар гоҳ у, гоҳ бу қишлоқда бўлиб, табиий офат натижасида синган симёғочлар, узилган электр симларини тартибга келтириш билан овора бўлдилар. Лекин шу куни ишни охирига етказишнинг иложи бўлмади. Қишлоқлар зимзиё тун оғушида қолди. Вақт алламаҳалда уйга қайтаётган Олимбой ўз ҳовлисига яқинлашганида ҳайратланди: «Қизиқ, нега уйдагилар ҳалиям ухламай чироқ ёқиб ўтиришибди. Ёки мендан хавотир олишаётганмикан?» У шундай хаёллар билан уйига кириб келди. Тўкин дастурхон атрофида барча жамулжам. Ногаҳон унинг кўзи чўғдай ёниб турган яп-янги гиламга тушди.

– Ие, гилам қаердан келди?

– Ўғлингизга Хивада беришибди, табрикланг, – деди хурсандлигини яширолмай Зеваржон опа.

– Анваржон, узр, ўғлим, ташвишлар билан бўлиб, фестивалга борганингни ҳам унутибман.

– Мана, дада, – дея кичик ўғли Сардор акаси мушарраф бўлган дипломни отасига узатди.

Ота унга кўз югуртирар экан:«Ў-ҳў, олий соврин билан қутлайман, ўғлим,» деди қаршисида кулиб турган 11 ёшли бахшини бағрига босиб.

– Чой ичасизми?

– Онаси, чарчоғим аллақачон тарқаб кетди. Анваржон, ана энди сўзла. Фестивал қандай ўтди? Қайси достон қўшиқларини айтдинг? – дея ўғлига юзланди Олимбой ака.

Анваржон ҳаяжон ва мамнунлик билан Ёш бахши шоирлар Республика фестивали ҳақида мароқ билан сўзлай бошлади. Устозлари Ортиқбой Сапаев ва Қаландар бахшилар ўргатган достон қўшиқларидан ижро этганини, айниқса, «Сабоқ олмоқ учун келдим» ашуласи қарсаклар билан кутиб олинганини айтар экан, беихтиёр, хиргойи қилиб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Ҳа, икки йилдан бери қўлига тор ушлаб «Алпомиш», «Гўрўғли», «Хирмондали», «Авазхон», «Ошиқ Ғариб» достонларидан парчалар ижро этаётган Анвар бахши билан бугун ўзи таълим олаётган мусиқа мактабигина эмас, туман, қолаверса, бутун вилоят аҳли фахрланмоқда.

– Вилоятда, – дейди мусиқа мактаби директори Бахтиёр Мангишев, – 16 та мусиқа мактаби бор. Ҳар бирида 300-400 нафар бола ўқийди. Ана шулар ўртасида бўлиб ўтган кўрик-танловда ҳам Анварбек биринчи ўринни эгаллаган эди. Ўтган йили Урганч шаҳар Маданият ва истироҳат боғида, Хивадаги кўҳна Арк майдонида рубоб чалиб катта саҳнага чиқди. Унинг жарангдор ва ширали, тиниқ овози мухлисларда зўр қизиқиш уйғотди. Энг муҳими, у достонларни куйлашни жондилидан севади.

Халқона оҳанглар, дилбар наволар мафтуни Анвар бахши Матёқубов катта ижодий парвозлар бўсағасида турибди.

**Роза САЙДАМЕТОВА.**

*Футбол*

## САРАЛАШ БАҲСЛАРИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

***Пекин шаҳрида 2004 йил Хитойда бўлиб ўтадиган XIII қитъа чемпионатининг саралаш баҳсларига қуръа ташланди.***

Осиё Футбол Конфедерацияси томонидан амалга оширилган ислоҳотларга кўра қитъа биринчилиги саралаш беллашувларини ўтказиш тартибига ҳам ўзгартиришлар киритилди. Яъни, Сингапур, Ҳиндистон, Непал, КХДР, Қирғизистон сингари 22 т а мамлакат терма жамоалари аввалига (дастлабки босқичда) 7 та гуруҳга бўлиниб баҳс олиб боришади. Мазкур гуруҳлар ғолиблари эса рейтинг кўрсаткичига кўра юқори ўринларни эгаллаб турган терма жамоалар билан белгиланган гуруҳларда финал босқичи йўлланмасини қўлга киритиш учун беллашадилар.

Қуръа натижасига кўра, мамлакатимиз бош терма жамоаси «А» гуруҳидан жой олди. Футболчиларимизга Таиланд, Тожикистон ҳамда дастлабки босқич «Д» гуруҳи ғолиби қаршилигини енгишга тўғри келади. Кўриниб турибдики, рақиб жамоалар унчалик кучли эмас. Шунинг учун ҳам қуръа футболчиларимиз учун анча омадли келди, дейиш мумкин. Қолган саралаш гуруҳлари эса қуйидагича:

«В» гуруҳи: Қатар, Қувайт, Фаластин, дастлабки босқич «Е» гуруҳи ғолиби; «С» гуруҳи: Саудия Арабистони, Яман, Индонезия, дастлабки босқич «F» гуруҳи ғолиби; «Д» гуруҳи: Эрон, Иордания, Ливан, дастлабки босқич «G» гуруҳи ғолиби; «Е» гуруҳи: Жанубий Корея, Уммон, Вьетнам, дастлабки босқич «С» гуруҳи ғолиби; «F» гуруҳи: Ироқ, Баҳрайн, Малайзия, дастлабки босқич «А» гуруҳи ғолиби; «G» гуруҳи: БАА, Сурия, Туркманистон, дастлабки босқич «В» гуруҳи ғолиби;

Дастлабки босқич гуруҳларидаги учрашувлар келгуси йилнинг 23-30 март кунлари, асосий босқич ўйинлари эса 19 августдан 2004 йилнинг 18 февралигача ўтказилади.

**О.КАМОЛОВ.**



Давлатобод туманидаги умумтаълим мактабларида 12 мингдан ортиқ ўқувчи замонавий биноларда таълим олмоқда.

Жумладан, 58-ихтисослашган мактабда қўшимча компьютер хоналари ташкил этилиган бўлиб, ўқувчиларга малакали устозлар таълим беришмоқда. Мактаб жамоаси «Йил мактаби» кўрик-танлови Республика босқичида иштирок этиб, фахрли 2-ўринни қўлга киритди.

***Суратларда: дарс жараёни.***

**И. ҲАСАНОВ, олган суратлар.**



Тошкент вилояти металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси техник меҳнат нозири Ренат ГАЛИМОВга синглиси **Светлана МАГДИЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.55

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

**«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.**

Буюртма Г— 1119. 1 2 3 4 5 6